

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ЖАМҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



2000 йил 14 октябр шанба Сотувда эркин нархда № 205 (2502)

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI OLIY MAJLISI VA ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAJLISINING GAZETASI

## ТАШРИФ САМАРАЛИ БЎЛДИ

**Расмий ташриф билан мамлакатимизга келган Украина Президенти Леонид Кучма 13 октябр куни эрталаб Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов ҳамроҳлигида пойтахтимиздаги Хотира ва қадрлаш майдонида бориб, Мотамсаро она ҳайкали пойига гул қўйди. Меҳмон Ватан озодлиги йўлида қурбон бўлганлар хотирасини ёдга олди.**

Шундан сўнг, Украина раҳбари пойтахтимизнинг Тарас Шевченко кўчасига борди. 1969 йили украинлик курувчилар кўмаги билан бунёд этилган, айни пайтда шаҳардаги намунали билим масканларидан бири ҳисобланган 110-мактабнинг ўқувчилари меҳмонларни гулдасталар билан қарши олдилар. У ерда украин халқининг озодлик куйчаси Тарас Шевченко хотирасига ўрнатилган ёдгорлик пойдевори га рамзий тош қўйилди. Шу ёрнинг ўзида халқимиз билан елкама-елка меҳнат қилиб, тинч-тоза устимизга қилиб келатган украин миллиятига мансуб юртдошларимиз билан учрашув бўлди. Бугунги кунда юртимиздаги украинлар сони 300 мингдан зиёд. Улар ҳам мамлакатимиздаги бошқа миллат ва-

қиллари қатори Ўзбекистоннинг иқтисодий кудратини, халқ фаровонлигини ошириш йўлида бошқа миллатлар билан баҳам-жихат меҳнат қилмоқда. Бунинг асосида, албатта, юртимиздаги мустақкам тинчлик ва барқарорлик ётибди. Учрашувда буларнинг барчаси Ўзбекистон раҳбарияти, хусусан, Президент Ислам Каримов юритаётган изчил сиёсат натижаси эканлиги алоҳида таъкидланди. Шу кунни Леонид Кучма Ислам Каримов ҳамроҳлигида Бухорога борди. Президентлар Бухоро нефтини қайта ишлаш заводида бўлиб, бу ерда йўлга қўйилган замонавий иш ускуни билан танишди. Ислам Каримов ва Леонид Кучма марказий бошқарув пултида меҳнат қилаётган мутахассислар билан суҳбатлашди. Украина Президенти Леонид Кучма заводнинг



фахрий меҳмонлар китоби га дастхат ёзиб қолдирди. — Мен бу китобга мазкур заводдек замонавий қорхоналар келажакда Ўзбекистоннинг қиёфасини белгилайди, деб ёздим, — деди Украина раҳбари журналистлар билан суҳбатда. — Модомики, мамлакат раҳбарияти шундай замонавий ва улкан қорхоналар бунёд этиш ҳақида ўйлаётган экан, демак, уша давлатнинг порлок келажакини ҳам яратаяпти. Куннинг иккинчи ярмида Украина раҳбари Бухородаги қадим ва жозибдор тарихий обидалар — Сомонийлар мақбараси, Пойи Калон мажмуи га кирувчи Минораи Калон, Масжиди Калон ва Мирааб мадрасаси, Лабиҳовуз ансамбли, Нодир девонбери мадрасасини зиёрат қилди. — Мазкур меъморий обидаларнинг қиёфасига қараб, мамлакатимизда маънавий қадриятларга қанчалик катта эътибор берилганлигини, ўз тарихига бўлган улкан эъзозни кўриш мумкин, — деди Л.Кучма. — Бухоронинг

қадимий обидалари мени хайратга солди. Бу бинолар нафақат Ўзбекистон халқининг, балки бутун дунёнинг мулкидир. Украина Президенти шу кунни Бухородан Киевга жўнаб кетди. Бухоро аэропортида олий мартабали меҳмонни Президент Ислам Каримов кузатиб қолди. Украина Президенти Леонид Кучманинг мамлакатимизга ташрифи, томонлар яқдиллик билан таъкидлаганидек, жуда самарали ва самимий кечди. Икки кун давом этган бу сафар мамлакатларимиз

ўртасидаги анъанавий дўстлик ҳамда кенг қўламли савдо-иқтисодий ва сиёсий ҳамкорликнинг янада мустақкамлаштиришида муҳим аҳамиятга эга бўлди. **Самдурод РАҲИМОВ, Анвар КАРИМОВ, Илхом САФАРОВ, Ўза МУХБИРЛИРИ.** **СУРАТДА: Ўдгорлик пойдевори га рамзий тош қўйиш пайтидан лавҳа.** **Дилшод ЮСУПОВ олган сурат.**

**Давлат раҳбарлари ҳорижий сафарга чиқса, имкон қадар мамлакатнинг етакчи ишбилармонларини ўзига ҳамроҳ қилади. Зеро, мамлакатлараро муносабатларнинг асосини иқтисодий алоқалар ташкил қилади. Украина Президенти Л.Кучмага ҳам юртимизга ташрифи асосида бир гуруҳ ишбилармонлар ҳамроҳ бўлиб келган эди. Расмий делегациянинг ташрифи давом этар экан, пойтахтимиздаги «Интерконтинентал» меҳмонхонасида икки мамлакат ишбилармонларининг учрашуви бўлди.**

### ИШБИЛАРМОНЛАР УЧРАШУВИ

Унда турли соҳа вакиллари ўзи раҳбарлик қилаётган қорхона ва муассасаларнинг имкониятлари ҳақида сўзлашди. Турдош соҳалар мутаассифлари ҳамкорлик қўламини кенгайтириш юзасидан фикр алмашди. Томонлар товар айирбошловчи ҳамини ошириш учун яна қандай қўшимча маҳсулотлар ва хизматлар тақдир қилиниши муҳимлиги ҳақида ахборот берди. Таъбирида Украинанинг айрим вилоятлари раҳбарлари ҳам иштирок этди. Улар ўзлари бошқараётган ҳудудлардаги қорхоналарнинг Ўзбекистон билан қайси соҳаларда бирга-лиқда иш юритиши мумкинлиги ҳақида сўз қуртишди. Украина тадбиркорлари ва ишлаб қарувчилар иттифоқи президенти Анатолий Кинах бундай мулоқотлардан кейин икки мамлакат ўртасида айирбошловчи товарлар миқдори қўлайлигини таъкидлади. Умуман олганда, учрашувнинг асосий мақсади Ўзбекистон ва Украинанинг турли вазирилари, концернлари ва компаниялари ўртасида тўғридан-тўғри алоқалар ўрнатиш, мавжуд ҳамкорликни янада ривожлантиришга кенг йўл очилиши иборат эди. Мулоқот сўнггида қатнашчиларнинг самарали кечганини таъкидлади. **Элмурод ЮНУСОВ, Ўза мухбири.**

## Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов билан Украина Президенти Л.Д.Кучманинг ҚЎШМА БАЁНОТИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг тақдирига биноан Украина Президентини Л.Д.Кучма 2000 йил 12-13 октябрда Ўзбекистон Республикасида расмий ташриф бўлди. Бу билан ўтган музокаралар давомида Ўзбекистон Республикаси ва Украина президентлари ўзбек-украин муносабатларининг ҳозирги аҳоли, кенг қўламли икки томонлама ҳамкорлик масалалари ва унинг келгусидаги истиқболларини, ўзаро қўйиш уйғуви бир қатор халқаро ва минтақавий масалаларни муҳома қилдилар. **Олий Томонлар** Ўзбекистон Республикаси ва Украина ўртасида икки халқ орасидаги анъанавий дўстлик асосланган хар томонлама ҳамда тенг ҳуқуқли ҳамкорликни янада кенгайтириш ва чуқурлаштириш заруратида келиб чиқиб, **Олий Томонлар** ҳамкорлик мувофиқ равишда стратегик шериклини чуқурлаштиришга қўмақлашувчи механизмларни барпо этишга қаратилган чораларни ишлаб чиқиш заруратини эътироф этиб, **қўйдиғиларни баён қиладилар:** 1. Ўзбекистон Республикаси билан Украина ўртасидаги муносабатлар дўстлик ва ишонч, тенглик ва ўзаро манфаатдорлик, суверенитетнинг ҳурмат қилиш ҳамда бир-бирининг ички ишларига аралашмаслик принциплари асосида изчил ривожланимоқда. 2. Олий Томонлар Ўзбекистон Республикаси Президентини И.А.Каримовнинг 1999 йил 7-8 октябрда Украинага амалга оширган ташрифи давомида эришилган аҳдлашувлар, 1998 йил 19 февралдаги Ўзбекистон Республикаси ва Украина ўртасидаги дўстлик ва хар томонлама ҳамкорликни янада чуқурлаштириш тўғрисида Шартнома қўйди, шунингдек, бошқа асосий икки томонлама шартномалар бажарилишининг боришидан қониқиб изҳор этдилар. 3. Президентлар икки мамлакат

ўртасидаги ҳамкорлик стратегик шериклигининг мақсади ва вазифаларига мувофиқ эканлигини таъкидладилар, тинчлик, барқарорлик ва собиққадар ривожланишни мустақкамлаш ва қўллаб-қувватлашда уларнинг позицияларини ўзгармас эканлигини, бу эса Ўзбекистон Республикаси ва Украина суверенитети ва мустақиллигини таъминлашда принципиал аҳамиятга эга эканлигини таъкидладилар. 4. Президентлар минтақавий ва умумдунёвий миқёсларда тинчлик, барқарорлик ва хавфсизликни таъминлашда икки мамлакатнинг ҳамкорлигидаги ҳаракатларини чуқурлаштириш принциплари муҳим характерга эга эканлигини таъкидлаб ва бу соҳада ҳам, икки томонлама ҳам халқаро ташкилотлар ва кўп томонлама ҳамкорлик механизми доирасида ҳамкорликни ривожлантиришга тайёр эканликларини изҳор этдилар. 5. Олий Томонлар афгон моҳирорсини ҳал этишнинг тинч йўллари қидириб топишда БМТ мувофиқлаштиришчилик ва етакчилик ролини ўйнаган ҳолда Афғонистон бўйича «6+2» гуруҳи механизмининг фаолроқ қўллаш зарурлигини таъкидладилар. 6. Президентлар ўз давлатларининг Ядро қуролли тарқатмаслик тўғрисида шартнома (ЯҚТШ) га содиқлигини таъкидлаган ҳолда, ЯҚТШ максималга эришиш учун ҳал қилувчи омиллардан бири сифатида жаҳонда ядро қуролдан холи зоналарни барпо этишни маъқуллайдилар ҳамда Марказий Осиёда бундай зонани барпо этиш минтақавий ва ялғи хавфсизликни мустақкамлашнинг энг муҳим жиҳатларидан бири эканлигини баён қиладилар. 7. Украина Президенти Ўзбекистон Республикаси Президентининг БМТ доирасида Терроризмга қарши кураш бўйича халқаро марказ тузиш ташаббусини қўллаб-қувватлашини билдирди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Коммунистлар партиясига қарши кураш тўғрисида халқаро конвенцияни ишлаб чиқиш тўғрисидаги ва Киевда ЕОХТ шартномасидаги этик таъдиротлар минтақавий ва халқаро миқёсдаги таъкидлаш тўғрисидаги ташаббусларини қўллаб-қувватлади. 8. Ўзбекистон Республикаси ва Украина терроризм, диний экстремизм, қурол-яроқларнинг ноқонуний савдоси, нарқобизнес, ноқонуний қўшиқ ва уюшган жиноятчиликка қарши курашда муҳим роль уйнашни давом эттиришга кирмоқда, унинг моҳияти иқтисодий ҳамкорликни тўддан чуқурлаштириш, хусусан, ГУОМ доирасида эркин савдо режими ни барпо этиш бўйича ишчи фаоллаштиришдан иборатдир. 10. Президентлар ўзаро манфаатли иқтисодий ва савдо алоқаларини кенгайтириш мақсадида хар томонла-

ма ҳамкорлик бўйича қўшма ўзбек-украин комиссияси ишининг самарадорлигини ошириш зарурлигини таъкидладилар. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасида Украинага табиий газни етказиб бериш ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали Украинага Туркманистон табиий газини транзит ўтказиш тўғрисидаги Ўзбекистон-Украина битимларини самарали амалга ошириш ўзаро манфаатли бўлиши қайд қилинди. 11. Президентлар икки мамлакат ўртасида инсонларварлик соҳасида, хусусан, маданий ва илмий-техникавий соҳаларда ўзаро муносабатларни янада ривожлантириш ҳамда чуқурлаштириш муҳимлигини таъкидладилар, шунингдек, Украина илмий-технологик маркази (УИТМ) фаолияти доирасида Ўзбекистон Республикаси ва Украина ҳамкорлигини кенгайтириш изҳор этдилар. 12. Президентлар икки томонлама муносабатларнинг шартнома-ҳужуқий базасини мукамаллаштириш бўйича ўтказилган ишларнинг муҳимлигини қайд этдилар. Бунинг натижасида 1998 йил 20 августда имзоланган Ўзбекистон Республикаси ва Украина ўртасида Ўзбекистон Республикасидадан Украинага депортация қилинган, қайтиш истигани билдирган шахсларнинг фуқаролик масалаларини ҳал этишга қўмақлаш тўғрисида Аҳдлашувнинг амал қилиш муддатини 2001 йил 31 декабргача узайтиришга қарор қилинди, шунингдек, бир қатор бошқа икки томонлама халқаро шартномалар имзоланди. Украина Президенти Л.Д.Кучманинг Ўзбекистон Республикасига ташрифи, мазкур ташриф доирасида бўлиб ўтган учрашув ва музокаралар икки давлат муносабатларига хос дўстлик, ишонч ва тўла ҳамжиҳатлик рўида ўтди.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. КАРИМОВ**  
Тошкент шаҳри,  
2000 йил 12 октябр.

**Украина Президенти Л. Д. КУЧМА**

**ТУРКИЯ RESPUBLIKASI PREZIDENTI A.N.СЕЗЕРНИНГ ЎЗБЕКISTONGA RASMIY TASHRIFIGA DOMR**  
Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов тақдирига биноан Туркия Республикаси Президенти Ахмет Неҳдет Сезер шу йил 16-17 октябр кунлари расмий ташриф билан Ўзбекистонда бўлади. Ташриф чоғида икки томонлама алоқаларнинг ҳозирги аҳоли ва истиқболларига оид ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилиши, шунингдек, қатор қўшма ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилмоқда.

## Ташаббус сўнмасин! ЕР ҲАМ МЕҲНАТ ҚИЛГАНГА САҲОВАТ КЎРСАТАДИ

**Сирдарёлик боғбону соҳибкорлар бунни амалда исботламоқдалар**

Бундан уч йил муқаддам газетамизда Сирдарё туманидаги Собир Раҳимов номи ширкат ҳўжалиги танкид қилинган эди. Негаки, ўша йили боғдорчилик ва узумчиликка ихтисослашган бу жамоа қулониғача қарзга ботиб қолган эди. Шаҳар яқин бўлганлиги ва бошқа сабабларга қўра, кадрлар кўним-сизлиги авж олган, техника етишмас, раҳбарлар эса ишчиларга ваъдасиз бошқа ҳеч нарса тақдир қилмадилар. — Утган уч йил ичида муз жойидан кўнди, муайян натижаларга эришдик ҳам, — дейди бошқарув раиси Файбулла Тўйчиев. — Бултур 700 тонна узум етиштирдик. Жорий йилда бу кўрсаткичнинг 1400 тоннага етказмоқчимиз. Узумни қайта ишлаш мақсадида шароб тайёрлайдиган кичик заводни ҳам ишга туширдик. Унинг кўнлик қуввати — 40 тоннагача. Ҳозирча қўнига 10-15 тонна маҳсулотни қайта ишляпмиз. Узумининг Сирдарё ҳамда қўшни вилоятлардаги ҳўжалиқлардан ҳам маҳсулот кела бошлади. — Таҳминан қанча келди, деб ўйлайсизлар? — Бир килограмм қиқиб қолар, — дедик биз. — У узум бошини қўл тарозида тортиб қўрди. Салкам икки килограмм қиқди. Сува, қўйиш нурига, деҳқон мейрига қонган узум долларини офтоб нурига тилла нуқрадек товланганча кўз қамаштирарди. Бу ширкат аъзолари ҳозирча давлатта салкам 500 тонна мева ва узум топширишди. — Таҳминан Убайдуллаев деган соҳибкор билан гурун қилдик. — Бу йилги ҳосилдан Юз гектар узумзоримизнинг 60 гектари шигил ҳосилга кирган. Деҳқон меҳнатига яраша ерда ризқ ундирса, унинг ишида барака бўлади. Бундай деҳқонга ортиқча ташвиқотнинг сира кераги йўқ. «Тоифи», «Сурхон китоби» каби навлардан юқори ҳосил кўтардик. Янги йилдан бошлаб қиқ гектарлик тожоримиз ҳам ҳосил бера бошляди. Шароб заводимиз. Бош муҳандис Алишер Матхаликовнинг фикрича, бу ерда бир мавсумда 7-8 минг тонна узум ва 4-5 минг тонна мева ни қайта ишлаш имкони мавжуд. Бозор Тожиев, Нўмон Муллаев, Аҳмад Абдураҳмонов сингари ишчи-хизматчиларнинг қўли-қўлига тегмайди. Завод ҳудудидидаги улкан цистерналарга қўнига

тонна-тонна узум шарбати тўлдирляпти. Шарбат маълум муддат давомида биқитилиб тиндирилган, махсус шеҳадаги усқуналар ёрдамида турли хил ҳўжидиги ишлаш ишларига қўйилиб, истеъмолчиларга жўнатилади. Ҳисоб-китобларга қараганда, шу мўъжаз заводнинг ўзида тайёрланган маҳсулотдан яқунда 80 миллион сўм фойда олиш мўъжаллањапти. — Гапнинг очиги, четдан хомашё келишини қўтиб, қўл қовуштириб ўтириш билан узоққа бориб бўлмайди, — дейди Файбулла Тўйчиев. — Шу боис биз боғ ва тоқзорлардан имкони борича юқори ҳосил кўтаришни режалаштирдик. Бунинг учун замин яратилган даладаримизга энг серҳосил, касаликка чидамли узум навларини эканмиз. Фақат ўтган йилнинг ўзида 200 гектар янги боғ ва тоқзор барпо этилди. «Ҳиндаги», «Андихон қораси», «Ҳусайн», «Ҳимран», «Ржаининг Сирдарё ҳамда қўшни вилоятлардаги ҳўжалиқлардан ҳам маҳсулот кела бошлади. — Таҳминан қанча келди, деб ўйлайсизлар? — Бир килограмм қиқиб қолар, — дедик биз. — У узум бошини қўл тарозида тортиб қўрди. Салкам икки килограмм қиқди. Сува, қўйиш нурига, деҳқон мейрига қонган узум долларини офтоб нурига тилла нуқрадек товланганча кўз қамаштирарди. Бу ширкат аъзолари ҳозирча давлатта салкам 500 тонна мева ва узум топширишди. — Таҳминан Убайдуллаев деган соҳибкор билан гурун қилдик. — Бу йилги ҳосилдан Юз гектар узумзоримизнинг 60 гектари шигил ҳосилга кирган. Деҳқон меҳнатига яраша ерда ризқ ундирса, унинг ишида барака бўлади. Бундай деҳқонга ортиқча ташвиқотнинг сира кераги йўқ. «Тоифи», «Сурхон китоби» каби навлардан юқори ҳосил кўтардик. Янги йилдан бошлаб қиқ гектарлик тожоримиз ҳам ҳосил бера бошляди. Шароб заводимиз. Бош муҳандис Алишер Матхаликовнинг фикрича, бу ерда бир мавсумда 7-8 минг тонна узум ва 4-5 минг тонна мева ни қайта ишлаш имкони мавжуд. Бозор Тожиев, Нўмон Муллаев, Аҳмад Абдураҳмонов сингари ишчи-хизматчиларнинг қўли-қўлига тегмайди. Завод ҳудудидидаги улкан цистерналарга қўнига



**Аликўл ХОНИМУЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

## ҚАТОРДА НОРИНГ БЎЛСА...

Бу йилги мураккаб об-ҳаво шaroитида республикамизнинг лафз ҳалол деҳқонлари мавжуд майдонларда мўл пахта ҳосили етиштирдилар. Шу кенча-кундузда биргина Амурдарё тумани далаларида бўлган киши бунга тўлиқ ишонч ҳосил қилади. Амурдарёликлар кун сайин йнғим-терим сўратини ошириб, пахта хирмонини тобора юксалтирмоқдалар. «Қаторда норинг бўлса, юкин ерда қолмайди» деганларидек, айни кунларда пахтакорларга ҳашарчилар ва талабалар ҳам қамарбаста бўлишапти. Хусусан, тумандаги Бердак номи жамоа ҳўжалигида Нукус технология билим юрти талабалари тоналлаб пахта термоқдалар. Уларнинг ғайрат-шиқоатлари тўфайли ҳозирчага бир неча бригада давлат бюрмасини ошириб бақарди. **СУРАТДА: Билим юрти ўқитувчиси Омонгул Ешаева шогирдлари ишдан мамнун.** **Омонбой МУРОТОВ (Ўза) олган сурат.**



Ташриф арафасида

ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ



Шу йил сентябр ойда Нью-Йоркда БМТнинг «Мингйиллик саммити» доирасида Ўзбекистон ва Туркия давлат раҳбарларининг учрашуви нихоятда самимий ва дўстона вазиятда.

Фарҳод ҚУРБОНОВ олган сурат.

октябрда Туркия Республикаси 75 йиллиги тантанали равишда...

Ўзбекистон — Туркия иқтисодий ҳамкорлиги натижалари...

«Шарқ-Мир», «Межконтиненталь» каби қўша қорхоналар...

ла Европа мамлакатларида ҳам эътибор қозongan. Самарқанддаги «Сино»...

олади. Табиийки, бу соҳадаги ҳамкорлигимиз яхши самара бериши мумкин.

ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР ТАҲЛИЛИ

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Давлат мулки қўмитаси раиси...

«КОСКОМ-ВОДИЙ» ЭШИТАДИ...

Дунёдаги энг нуфузли уяли алоқа тармоқларидан бири «Коском» Фарғона водийси...

Умур АПАЙДИН:

«ЮТУҚЛАРИНГИЗ БИЗНИ ҲАМ МАМНУН ЭТМОҚДА»

— Элчи жаноблари, мамлакатларимиз ўртасидаги алоқаларнинг бугунги даражаси хусусида қандай фикрдасиз?

Юртимизнинг турли мамлакатлар билан уюштурулган қўша маъмуриятли иқтисодий алоқалари кун сайин ривож топмоқда.

Юртимизнинг турли мамлакатлар билан уюштурулган қўша маъмуриятли иқтисодий алоқалари кун сайин ривож топмоқда.

Ўзбекистон ҳамкорлик қилаётган мамлакатлар орасида Туркиянинг ҳам муносиб ўрни бор.

Бозор муносабатларига ўтиш жараёнининг навбатдаги асосий масаласи — мулкни давлат тасарруфидан чиқариш

Мулк ҳуқуқлари тўғрисидаги қонуннинг қўшиқчилиги билан давлат муносабатларига ўтиш жараёнининг навбатдаги асосий масаласи — мулкни давлат тасарруфидан чиқариш...

Кичик ва ўрта бизнес — иқтисодиёт таянчи

Кўйиш, иқтисодиётимизнинг келажаги бўлган тадбиркорларни турли таълим ва ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш бўлими...

Мулкдорлар ҳақ-ҳуқуқлари тикланди

Мулкдорлар ҳақ-ҳуқуқлари тикланди. Қўша маъмуриятли иқтисодий алоқаларнинг бугунги даражаси хусусида қандай фикрдасиз?

КОМИССИЯ МАЖЛИСИ

Ҳисоб-китоблар механизмини такомиллаштириш ва бюджетга тўловлар интизомини мустаҳкамлаш бўйича кичик комиссия...



# БЕШ КИТЪА ДАРАКЛАРИ

## ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН АКТИСОДИЁТИДА ҲАМ БИР БОР ЭСЛАТИБ ТЎЛОВЛАРИНИНГ ОШАНЛИГИНИ ЯНА БИР БОР ЭСЛАТИБ ҲАМКОРЛИККА ЧОРЛАЙМИЗ.

Яқин Шарқ минтақасида ахудиёлар билан араблар ўртасидаги қонли тўқнашулар ҳамон давом этмоқда. Қуни кеча фаластинликлар Газо секторидagi ахудиёлар яшовчи қишлоққа ҳужум уюштирди. Жойларда Исроил ҳарбийлари билан араблар ўртасида отишмалар тинмапти. Қурбонлар сони ҳам ортиб бормоқда. Қуни кеча 22 ёшли Моҳир Муҳаммад Исмоил ҳалок бўлди. Умуман, 28 сентябрдан буён давом этаётган лавозимини маълум қилди. Унинг фикрича, адлия вазири лавозимига Олий суд раиси Ярослав Буреш тайинланиши мумкин.

## КИМ ПРЕЗИДЕНТ БЎЛАДИ?

Руминияда президентлик лавозими ва парламентда ўрин олиш учун сайловолди мавсуми бошланди. У 26 ноябрга қадар давом этади. Айни пайтда парламент учун 51 партия, президент лавозими учун 18 нафар номзод ўзаро курашмоқда. Президентликка номзод-



Бугунги Братислава.

тўқнашуларда жами 102 киши ҳаётдан кўз юмган. Халқро ҳамият ушбу воқеаларга муносабат билдирар экан, икки томонлама музокараларга тезроқ киришиш кераклигини таъкидлаётир.

лар орасида Бош вазир Мугур Исрреску, таъки ишлар вазири Петре Роман, адвокат Никулэе Червени, собиқ қирол Михаеннинг ўғай укаси шаҳзода Паул бор.

## ХОМБАХНИНГ ВАЪДАСИ КАТЪИЙ

Жануби-шарқий Европа барқарорлиги пакти мувофиқлаштирувчиси Бодо Хомбах Югославиянинг маъмур халқро ҳужжатга қўшилиши учун унга баъра керакли ёрдамни кўрсатишга қатъий ваъда берди. Унинг фикрича, Югославия ҳозирданқ Европа Иттифоқи ва Катта сакизлик давлатлари билан ўзаро икки томонлама дастурлар ишлаб чиқиши ва амалга ошири бошлаши мумкин. Лекин бунинг учун мамлакатда ишончли ҳукумат шаклланиши лозим.

## БОШ КОТИБ БАЁНОТИ

Қора денгиз иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти ўз минтақасида эркин иқтисодий макон яратиш ниятида. Ташкилот Бош котиб Валерий Чечелашвили шундай баёнот берди.

Қора денгиз иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти 1992 йилда тузилган. Унинг таркибиде 11 мамлакат бор. Ташкилотнинг максади аъзо мамлакатлар ўртасида савдо-сотиқ ва иқтисодиётнинг бошқа соҳалари бўйича ҳамкорлигини ривожлантиришдан иборат.

## ЯМАЙКАДА МИНТАҚАВИЙ АНЖУМАН

Ямайка пойтахтида болалар ҳуқуқини ҳимоя қилиш масалаларига бағишланган минтақавий анжуман бошланди. Унда Латин Америкаси ва Кариб денгизи ҳавзаси бўйидаги 37 мамлакатдан мингга яқин вакил иштирок этмоқда. Тадбирда ёшлар орасида кўпайиб бораётган жиноятчилик, уларга нисбатан содир этилаётган зўравонлик, болаларни оғир меҳнатга жалб қилиш каби муаммолар муҳокама қилинади.

## БИР ЙЎЛА ИККИ ЛАВОЗИМ

Чехия ҳукумати раисининг ўринбосари Павел Рихетскийга адлия вазири вазири бажариб туриш топширилди. Аввалги адлия вазири Откар Мотейла жамоат ҳуқуқи ҳимоячиси лавозимига номзоди қўйилиши муносабати билан истеъфога чиқди.

П.Рихетский, журналистларга берган интервьюсида, бир йўла икки лавозимда узок вақт иш-

«Интернет» хабарлари асосида тайёрланди.

**КИЧИК НОВВОЙХОНАЛАР**  
 ҲАР ХИЛ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ  
**КУРИТИШ** КЎВВАТИГА ЭГА БЎЛГАН НОВВОЙХОНА  
**УСКУНАСИ** УСКУНАЛАРИ.  
 МЕВА ВА САБЗАВОТ, МАКАРОН  
 МАХСУЛОТЛАРИ УЧУН.  
**ҲАММОМ ИСИТГИЧИ (САУНА)**  
 МИНГ ХИЛ ДАРДГА ДАВО.  
**ҲАВО НАМЛАГИЧИ**  
 ХОНАДОН, КАСАЛХОНА  
 ВА БОҒЧАЛАР УЧУН.  
**КАЛОРИФЕРЛАР**  
 ҲАР ХИЛ ҚЎВВАТДАГИ.  
**СОЯ СУТИ** ҲАМИША  
 СОТУВДА.  
**НИХРОМ СИМЛАРИНИ,** СОТИБ  
**ВН-1, ВН-2 ВЕНТИЛЯТОРЛАРИНИ** ОЛАМИЗ.  
 Тел. (3712) 793854, 792523, 791570, 791429.

Ўзбекистон Республикаси ФА Х. М. Абдуллаев номидаги Геология ва геофизика институти жамоаси институт директорининг фан бўйича муовини Б. С. Нуртаева ораси  
**РОКИЯ** аялиниг вафот этганини муносабати билан чуқур ҳамдарлик билдиради.



## МИКРОКРЕДИТГА МАХСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРИЛМОҚДА

«Саховат» хусусий савдо-унитар корхонаси раҳбари Лутфиддин Нуриддинов анчадан бери бир муаммо устида бош қотирди: нахотки, ўзимизда полиетилен қопқоғини ишлаб чиқаришнинг иложи бўлмаса? Агар шу ерда уни тайёрлаш йўлга қўйилса, махсулот олиш учун бошқа жойга бормайди. Яна анча-мунча маблағ тежаллади. Қолаверса, ортиққасини тумандаги бошқа корхоналарга сотиш ҳам мумкин. Махсулотнинг анча арзонга тушишини айтмайсизми!

Нуриддин ака қопқоқ тайёрлайдиган дастгоҳлар ва бошқа зарур воситалар харид қилиш учун қанча маблағ кераклигини ҳисоблаб чиқди: 800 минг сўм керак экан.

У жорий йилнинг апрел ойида «Ўзтадбиркорбанк»нинг вилоят бошқармаси Паркент тумани бўлимига келиб, кредитга ана шу маблағни сўради. Банк ходимлари тадбиркорнинг таклифини қўллаб-қувватлашди. Қисқа муддатда бизнес-режа тузилди. Бошқа ҳужжатларни тайёрлашда эса банк ходимлари ёрдам беришди. Тегшли кредитга дастгоҳлар ва 1052,6 килограмм полиетилен хомашёси сотиб олинди.

Натижада ўша ойнинг ўзидаёқ 250 минг дона қопқоқ ишлаб чиқарилиб, тайёр махсулотлар буюртмачиларга етказиб берилди бошланди. Шу тариқа, биринчидан, корхонада кўшимча ишчи ўринлари очилган бўлса, иккинчидан, қисқа вақт мобайнида 150 минг сўм соф фойда қўлга киритилди.

Эки бошқа бир мисол. Иброҳим Жуманов Президентимиз, ҳукуматимиз томонидан тадбиркорларга яратилган имтиёздан фойдаланиб, деҳқон ҳўжалиги ташкил этди. Томорқасида турли хил махсулотлар етказиб бериш юзасидан тегшли ташкилотлар билан шартномалар тузди. Банкда ўз ҳисоб рақамини очди. Шу билан бирга, у 2000 йилнинг март ойида оила аъзолари билан маслаҳатлашиб, бўрдоқига қорамол боқиб семиртириш, уни сотишга қарор қилди. Шу мақсадда Иброҳим ака ҳам банкнинг Паркент тумани бўлимига бир миллион сўм кредит сўраб мурожаат этди. Молиявий муассаса ходимлари бўлажак фермернинг талабни ўрганиб чиқиб, унга тегшли кредит ажратишди.

Бу маблағга тўққиз бош қорамол сотиб олинди. Жониворларнинг тўрттаси бўрдоқига боқишга қўйилди. Уларнинг ҳар бири қунига 700 граммдан, ўтган уч ой мобайнида 63 килограммдан семирди. Қолган беш бош қорамол эса яйловда парвартиш қилинмоқда. Уларнинг кундалик ўсиш вазири бир кунда ўртача 500 граммни ташкил этапти. Октябр ойининг охирида моллар яйловдан олиб келинади.

Банк фаолиятида бундай мисолларни кўплаб учратиш мумкин. Муҳими, кредит сўраб мурожаат қилганларнинг деярли ҳаммаси ҳозир маблағ олиб, ўз ишларини давом эттиришапти. Бу

## Банк тизими

# БУ СИЗНИНГ ИШОНЧЛИ ҲАМКОРИНГИЗ

«Ўзтадбиркорбанк»нинг Тошкент вилояти бошқармасида амалга оширилаётган ишлар хусусида

Республика ихтисослаштирилган акциядорлик-тижорат «Ўзтадбиркорбанк»нинг мамлакатимиз иқтисодиётида ўз ўрни бор. Бу молиявий муассасанинг барча вилоятларда ва кўпгина шаҳар ҳамда туманларда бўлимлари ишлаб турибди. Хусусан, Тошкент вилояти бошқармаси таркибиде олтига туман бўлими фаолият кўрсатмоқда. Бу ерда 3737 мижозга молиявий хизмат кўрсатиляпти. Мижозлар эса хусусий тадбиркорлар, деҳқон ва фермер ҳўжаликлари, кичик ҳамда ўрта бизнес субъектларидан иборатдир.

- Банкнинг вилоят бошқармаси 1993 йил 25 июлда ташкил этилган.
- Жорий йилнинг ўтган тўққиз ойи мобайнида ўрта ва кичик бизнес билан шўгулланувчи ҳўжалик юритувчи субъектларга 700 миллион 964 минг сўм миқдориде кредит берилди.
- Шу даврда аҳоли қўлидаги қарийб 18,9 миллион сўм бўш маблағ омонатга қарийб 1920 тадан зиёддир. Уларга шу йилнинг тўққиз ойи мобайнида 81 миллион сўмлик акция сотилди.

Этиборлиси, маблағларнинг асосий қисмини банк ўз ресурслари ҳисобидан ажратаяпти. Шунингдек, бюджетдан ташқари жамғармалар томонидан ажратилаётган кредитлар ҳам тадбиркорларга берилляпти. Шу усулда ўтган тўққиз ой мобайнида 37 мижозга 117,8 миллион сўм маблағ ажратилди.

Кредитларнинг тайёр махсулот ишлаб чиқариш учун технологиялар сотиб олиш, деҳқон ва фермер ҳўжаликлари фаолиятини ривожлантиришга йўналтирилаётгани ҳам диққатга сазовор. Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 19 майдаги қарори асосида «Ўзтадбиркорбанк» таркибиде «Имтиёзли кредитлаш махсус жамғармаси» тузилган эди. Бу жамғарма ҳам, табиийки, банкнинг кредит бериш имкониятини оширишга хизмат қилмоқда. Айни чоғда берилган кредит маблағ-

қўйилди. Туман бўлимларида «Тадбиркорлар бурчаги» ташкил қилиниб, у ерда мамлакатимиз Президентининг фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, йўриқномаларнинг доимо бўлишига эришилди. «Ишонч телефонлари» ўрнатилди. Микрокредитлар олиш учун фермер ҳўжаликлари томонидан тақдим этилган лойиҳалар қисқа муддатда батафсил ўрганиб чиқилиб, маблағ ажратилмоқда.

Бу тадбирларнинг натижаси шу бўлдики, кредит сўраб мурожаат қилаётганларнинг сони кўпайди. Буни рақамлар мисолида ҳам аққол кўриш мумкин. Жорий йилнинг ўтган тўққиз ойида кичик ва ўрта бизнес билан шўгулланувчиларга 700 миллион 964 минг сўм кредит ажратилди. Ваҳоланки, ўтган йилнинг айни даврида ушбу кўрсаткич 389,5 миллион сўмни ташкил қилган эди, холос.

ларининг мақсадли ишлатилишини назорат қилиш ҳам банк зиммасида. Бу борада ҳозиргача бирон-бир қойда бузилишига йўл қўйилмади. Аксинча, кредитлар фойз тўловлари билан ўз вақтида қайтарилмоқда.

Бошқарманинг туман бўлимлари галла ва пахта етиштираётган деҳқон-фермер ҳўжаликлари учун вақтида аванс ва бошқа маблағлар билан ҳам таъминлаб турибди. Жорий йилда бундай ҳўжаликларнинг деярли аксарияти галла топишириш бўйича шартнома режаларини ортиги билан бажарган экан, бунда банк ходимларининг ҳам алоҳида ҳиссаси бор. Айни пайтда пахта йиғим-терими қатнашчиларига ҳам банк жамоаси томонидан ўз вақтида пул тўлаб берилмоқда. Пахтакор фермерлар эса бирин-кетин давлат буюртмасини удаламоқдалар.

## ОМОНАТГА ПУЛ ҚЎЙИШ — КЎНИ ФЙДА

Пулни банкда сақлаш қулай ва фойдалидир. Сабаби — уни истаган пайтда оласиз, кафолати ҳам тайин. Муҳими, у ой сайин кўг явваради. Ҳозир «Ўзтадбиркорбанк»нинг барча бўлимларида шундай омонат турлари борки, улар йилга қўшимча 60 фоизгача кўпайиши мумкин. Шу боис кейинги вақтда банкка пул қўйичилар сони тобора ортиб бормоқда.

Айниқса, «Севинч», «Оила», «Тадбиркор», «Соғлом авлод» деб номланган омонат турларига одамларнинг қизиқиши катта. Масалан, жорий йилнинг биринчи октябр ҳолатига қўра, омонатга жами 24,9 миллион сўм маблағ қўйилди. Бу кўрсаткич шу йилнинг биринчи январ ҳолатига нисбатан 18,9 миллион сўм кўпдир.

## ХУРМАТЛИ ТАДБИРКОРЛАР ВА ЮРТДОШЛАР!

СИЗЛАРГА АҲОЛИ ОМОНАТЛАРИ БЎЙИЧА ФОИЗ ТЎЛОВЛАРИНИНГ ОШАНЛИГИНИ ЯНА БИР БОР ЭСЛАТИБ ҲАМКОРЛИККА ЧОРЛАЙМИЗ.

«Ўзтадбиркорбанк» тизимидаги мавжуд омонат турлари бўйича фойз тўловлари 1 августдан бошлаб қуйидагича белгиланди:

- Йўқлаб олинандиган омонат тури бўйича йиллик тўлов **10 фоиз**;
- Бир ой муддатга бўлган омонат бўйича йиллик тўлов **15 фоиз**;
- Олти ой муддатга бўлган омонат бўйича йиллик тўлов **30 фоиз**;
- Бир йил муддатга бўлган омонат бўйича йиллик тўлов **40 фоиз**;
- Олти ой муддатга бўлган «Тадбиркор» мақсадли омонат тури бўйича йиллик тўлов **35 фоиз**, бошланғич маблағ миқдори **5000 сўмдан** кам бўлмаслиги керак;
- Бир йил муддатга бўлган «Севинч» мақсадли омонат тури бўйича йиллик тўлов **40 фоиз**, бошланғич маблағ миқдори **3000 сўмдан** кам бўлмаслиги лозим;
- Бир йил муддатга бўлган «Оила» мақсадли омонат тури бўйича йиллик тўлов **50 фоиз**, бошланғич миқдори **10000 сўмдан** кам бўлмаслиги зарур;
- «Тадбиркор», «Севинч» ва «Оила» муддатли мақсадли омонатлар бўйича йиллик фойз тўловлари **омонатчиларнинг хоҳишига қўра**, омонатга маблағ қўйган кунидеъ эки биринчи талаби билан истаган вақтда бериллади;
- Уч йил муддатга бўлган «Соғлом авлод» омонат тури бўйича йиллик тўлов эса **60 фоиз** дир.



## ОМОНАТ СИРИ КАФОЛАТЛАНАДИ.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, С. Азимов кўчаси, 52. Маълумот учун телефонлар: 136-03-58, 133-18-75

Ҳосил ҚАРИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.



Ҳикмат

Юмшоқ ипакни

Ўтқир қилч ҳам кесолмас.

ФАРҚ ҚАЕРДА ҚОЛДИЙКИН?

1966 йили бўлиб ўтган жаҳон биринчилигида Петросян 6 кг вазн йўқотди, Спасский бўлса, 5,5 кг семирди...

бўлган ўйинда 8:5 натижа кўрсатган. Бундан кўриниб турибдики, сиз Яновскийни 64:5, яъни 13:1 хисобида ютгансиз...

қовичдан хушмуомала муҳбир. — Ундай эмас. Бу ҳақда шахмат олами унутиб қўймасин дейман-да!

«СИЗГА МОС РАҚИБ»

Бир сафар Нимцович кичик шахматлардан бирида тўхтаб, у ердаги шахмат клубига ташриф буюради...

АТАМАДА АТАМА БОР

— Сиз шахмат устаси — профессионал бўлсангиз керак? — Цукертортдан ижираниб сўради ёшгина бадавлат бир сайёх.

АЖИБ МУЛОҲАЗА

1928 йили Берлинда бўлиб ўтган халқаро мусоба-

Шахмат ҳангомалари

— Ҳайда фақат икки хил профессионализм мавжуд: меҳнаткаш профессионаллар ва дангаса профессионаллар...

ХИСОБ-КИТОБНИ ҚАРАНГ

Кунларнинг бирида немис гроссмейстери Тараш австриялик машҳур шахматчи Маркога 8 партиядан иборат матч ўйнашни таклиф қилади...

ХАВОТИРЛИК

Нимцович ҳамма вақт ўзи билан ташрифномасини олиб юрарди. Унда ёзилган: «А. Нимцович — шахмат бўйича жаҳон чемпионлигига номзод».

партия ўйнайдиганлар топиладими? — деб сўрабди. Кимдир жавоб қилди: — Ҳов, анови йигитча билан гаплашиб кўринг-чи, ажойиб шахматчи.

Йигитча гроссмейстернинг таклифини жон деб қабул қилди. Улар бир неча партиядан ўйнашди, шу нарса маълум бўлдики, болакай шахмат ҳақидаги тушунчадан анча йироқда экан.

— Нима сабабдан сиз бу йигитни ажойиб шахматчи дедингиз?

— Чунки клубда бирор марта галабага эришганини кўрмаганман, — деган жавоб бўлди.

Мамажон МУҲИДИНОВ.

Арифметик амаллар ва бешта 1 ёрдамида 100 сонини қандай ҳосил қилса бўлади? Бешта 5 ёрдамида-чи?

ЖУМБОҚ



Жумбоққа жавоб топсангиз, душанба кунини 136-35-60 рақамли телефон орқали хабар қилинг.

Ўтган сонда берилган жумбокнинг жавоби: 666 сонини тескари қилиб ағдарилса, (180° га бурилса), 999 сони ҳосил бўлади.

Ташкилот Тошкент шаҳридаги омбордан қуйидаги янги техникалар

- трактор Т-30 (Владимир)
трактор ЛТЗ (Липецк)
трактор МТЗ (Минск)

ва КФМ, КФО-2 русумидаги 12290-89 ГОСТли «Косинская бумажная фабрика» ОТАЖ (Россия Федерацияси) да ишлаб чиқарилган озуқа суюқликларини ФИЛЬТРЛОВЧИ КАРТОННИ таклиф этади.

Бизнинг телефонлар/факс: (3712) 54-96-11, 54-69-13, 54-96-40

Ота ўлига деди: — Яхши ўқисанг, улгайиб космонавт бўласан, ўшанда Марсга учсан!

ТЕЛЕФОНДА АЙТИЛГАН ЛАТИФА



Бир кун Карлсон дераза тирқишига тиқилиб қолибди. Шу тариқа кондиционер кашф этилди.

Хайдовчи автофалокатдан кейин ўзига келиб сўрапти: — Мен қаердаман?

— 23-рақамли хонада. — Палатадами ёки камерада?

— Аҳмадали тўйинга келдимиз? — Ким билсин, ҳали видеоёзувни кўрганим йўқ.

— Агар мен уйлансам, кўп қизлар изтироб чекишади. — Кўп қизлар? Мен сени битта қизга уйлансан, деб ўйловдим.

UZEXPOCENTRE ХУРМАТЛИ ТАДБИРКОРЛАР!

КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИНING ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ЭЛЧИХОНАСИ ҚОШИДАГИ ИНВЕСТИЦИЯ ВА САВДОНИ РИВОЖЛАНТИРИШ АГЕНТЛИГИ (КОТРА)

Сизни 2000 йил 24-27 октябрь кунлари UZEXPOCENTREнинг 1-павильонида соат 10.00дан 17.00 гача бўладиган CONSUMER EXPO-2000 халқ истеъмол буюмлари ва озик-овқат маҳсулотлари кўргазмасига таклиф этади.

Сиз ушбу корейс компаниялари билан танишиш ва амалий муносабатлар ўрнатиш имкониятларига эга бўласиз.

Table with 2 columns: Компаниялар номи, Компаниялар тақдим этадиган маҳсулотлар тури. Lists various companies like So Young Textile Co., Ltd and their products.

НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҚАБУЛ КОМИССИЯСИ

2000-2001 ўқув йилига пулли-тўлов шартнома асосида таълим тури, тили ва мутахассисликлари бўйича тавсия этилган абитуриентлар рўйхатини 2000 йил 25 августда «ХАЛҚ СЎЗИ» ГАЗЕТАСИДА ЭЪЛОН ҚИЛГАН ЭДИК. ШУ АБИТУРИЕНТЛАРДАН БЎШ (ВАКАНТ) ҚОЛГАН ЎРИНЛАРГА ДАВЛАТ ТЕСТ МАРКАЗИ ҚАЙДНОМАЛАРИДА НАВБАТДА ТУРГАН АБИТУРИЕНТЛАРДАН АРИЗАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНИШИНИ МАЪЛУМ ҚИЛАМИЗ.

Main table with columns for subject (Mutaхассислик), exam type (Жавоб), score (Умумий балл), and list of candidates with their scores.

Table for 'НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ' with columns for subject, exam type, score, and candidate list.

Жавоб варақалари қайд этилган абитуриентларни университет қабул комиссиясига мурожаат этиб, шартномаларни расмийлаштиришларини сўраймиз. Шартномаларни расмийлаштиришнинг сўнгги мuddати - 2000 йил 20 октябргача. Қабул комиссияси университетнинг 4-ўқув биносига жойлашган.

Advertisement for 'ХАЛҚ СЎЗИ' newspaper, including contact information for the editorial office and printing plant.